
ФАРГОНА ШАҲРИДАГИ “САХОВАТ” КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛАР ИНТЕРНАТ УЙИДА ЯНГИ ЙИЛ ШУКУҲИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Фарғона шаҳридаги “Саховат” кексалар ва ногиронлар интернат уйида бўлди. Вилоят раҳбари бу ерда яшовчилар билан сұхбатлашди, яратилган шароитларни қайта кўздан кечирди. Интернат уйида васийликка олинган 153 нафар эркак ва аёлларни Янги йил билан қутлаб, уларга байрам совғаларини топшириди.

Хайрулло Бозоров ушбу муассасада яшовчи Мұҳаббат опа Турсунова, Нодирахон Усмонова ва бошқа қатор матонатли аёллар билан самимий сұхбат қилди. 2014 йилдан бери “Саховат” кексалар ва ногиронлар интернат уйида яшовчи Нодирахон Усмонова сўзана тикиш билан шуғулланади. 2022 йил апрель ойида вилоят ҳокимининг муассасага ташрифи чоғида ўзи каби ҳунар ўрганишга иштиёқи баланд аёллар кўп эканини айтиб, муассасада бўш турган хоналарда тикувчилик ва тўқувчилик фаолиятини ташкил этиш таклифини илгари сурганди. Яратиб берилган шароитлар натижасида ҳозирда 30 дан зиёд имконияти чекланган аёлларга сўзана тикиш касбини ўргатиб келмоқда. Жорий йилда Италияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда вилоят ҳокимлиги кўмаги билан иштирок этиб, Европанинг қатор давлатларида ҳам бўлиб қайтган Нодирахон Усмонова, Европада имконияти чекланган фуқаролар ижтимоий ҳаётда ўзини бошқалардан кам кўрмаслиги, имкониятига мос равишда меҳнат қилиб, ҳаёт кечиришга уриниши, ўзига алоҳида эътибор талаб қилмаслигига эътибор қаратганини айтиб, бу қарашни ўзи ва атрофидагиларга сингдирисига ҳаракат қилаётганини айтди.

Вилоят ҳокими Президентимизнинг қарори билан Давлат божхона қўмитасига бириктирилган “Саховат” интернат уйида жорий йилда амалга оширилган лойиҳа қиймати 14 миллиард сўм бўлган қурилиш ва таъмирлаш ишларининг якуни билан ҳам танишди. Мавжуд 2 қаватли бинонинг 3- ва 4-бўлимларини мукаммал таъмирлаш, мавжуд биноларнинг фасад қисмларини, ётоқ бўлимларидаги 6 та ювиниш хоналарини таъмирлаш, кутубхонани, ошхонани тўлиқ таъмирлаш ва жихозлаш, ёзги спорт мажмуаси барпо этиш, худудни ободонлаштириш, суғориш тизими учун қудук қазиш ишлари амалга оширилди. Вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан интернат уи худудида маданий тадбирлар маркази қуриб битказилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-12-30 13:12:53